

Ажойиб одатлар



11:00 / 05.06.2022 4073

Усмонлилар ҳукмронлиги даврида ажойиб одатлар, одоб-ахлоқлар халқнинг турмуш тарзига сингиб кетган эди. Шулардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Сув ва қаҳва

Уйга меҳмон келса унинг олдига бир финжонда қаҳва ва бир идишда сув қўйилар эди. Агар меҳмон қаҳвадан олдин сув ичса бундан унинг оч экани маълум бўлиб, мезбонлар дарҳол таом ҳозирлашар эди. Агар у сувдан олдин қаҳвани ичса, бу унинг қорни тўқ эканидан далолат берар эди.

Қизил атиргул ва сариқ атиргул

Агар уйда бемор бўлса, унинг олдига сариқ атиргул қўйилган, бундан уй олдидан ўтаётганлар ва қўшнилари тинчлик сақлаб, беморни безовта қилмай ўтишлари кўзда тутилган. Агар уй олдида қизил атиргул қўйилган бўлса, бундан ушбу уйда бўйига етган қиз бор, совчиликка келсангиз бўлади деган тушунча кўзда тутилган ҳамда уй ёнидан ўтаётганда қизнинг ҳис-туйғуларини риоясини қилиб, ҳақоратли сўзлардан сақланиш кераклиги илтимос қилинган.

Эшик ҳалқаси

Эшикда икки хил ҳалқа бўлган. Бири кичик, бири катта. Бу ҳалқалардан эшикни тақиллатишда фойдаланилган. Агар эшик кичик ҳалқа билан тақиллатилса, уй ичидагилар эшикни аёл киши тақиллатаётганини билишган ва табиийки, ичкаридан аёл киши чиқиб эшикни очган. Агар эшик катта ҳалқа билан тақиллатилса, уни эркак киши тақиллатаётгани англашилган ва меҳмонни кутиб олиш учун ичкаридан эркак киши чиқиб дарвозани очган.

Садақа

Ўша даврда бойлар садақа бермоқчи бўлса, камбағалларни ноқулай ҳолатга солмаслик чорасини кўрарди. Бунинг учун улар дўкдорнинг олдига бориб, ундан қарз дафтари сўрашар, қарздорнинг қарзини тўлаб, уни рўйхатдан ўчириб юборишини талаб қилишар эди. Бу ишни қилган бой ўз исмининг махфий қолишини дўкдордан илтимос қилар эди. Фақирлар доим қарзлари дафтардан ўчирилганини кўришар, аммо бу ишни ким қилганини билишмас эди. Шунинг учун улар миннат нималигини ҳис қилишмас эди.

Олтмиш уч ёш

Олтмиш уч ёшдан ўтган кексалардан ёшлари сўралса, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёшларидан ўтганлари учун «олтмиш уч ёшдан ошдим», дейишни ўзларига ор билиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга одоб, ҳурмат ва таъзим юзасидан «Ҳаддан ошдик, болам» дейишар эди.

Садақа тоши

Ҳар бир кўчанинг бошида «Садақа тоши» ўрнатилган бўлиб, унга кирган қўл садақа қилаётган бойнинг қўлими ёки садақа олаётган фақирнинг қўлими, ҳеч бир инсон билмаган. Шу йўл билан садақа берувчининг садақаси махфий бўлишига ва садақа олувчининг ноқулай вазиятдан чиқишига ҳаракат қилинган.

Манба: «Ҳар куни сизни қизиқтирадиган маълумот» саҳифасидан

Араб тилидан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси.

Хуршид Маъруф тайёрлади